

Асосий капиталга инвестициялар

2017 йил январь-сентябрь ойларида вилоятнинг асосий капиталини кўпайтиришга 7361,4 млрд.сўм миқдорида инвестициялар киритилди ва ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 150,6 фоизни ташкил қилди.

Молиялаштириш манбаалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг тақсимланиши қуйида келтирилган:

	млрд.сўм	ўсиш суръати, %	Якунга нисбатан фоиз
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	7361,4	150,6	100,0
шу жумладан			
Марказлашган инвестициялар:	554,1	77,0	7,5
бюджет маблағлари	57,1	96,1	0,8
давлат мақсадли фонд маблағлари	352,3	167,7	4,8
хукумат кафолати остида чет эл кредитлари	144,7	30,6	1,9
Марказлашмаган инвестициялар	6807,3	163,3	92,5
корхоналарнинг ўз маблағлари	927,4	60,0	12,6
аҳоли маблағлари	533,8	97,0	7,3
тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар	5101,3	288,8	69,3
тижорат банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	235,7	95,8	3,2
бошқа хорижий инвестиция ва кредитлар	9,1	33,4	0,1

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркибида қурилиш ва монтаж ишларининг улуши 2016 йил январь-сентябрь ойларига нисбатан 14,7 фоизга ошган ва машина, ускуналар, транспорт воситалари, ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлар қиймати улуши 3,6 фоизга, бошқа харажатлар 11,1 фоизга камайган.

2017 йил январь-сентябрда асосий капиталга инвестицияларнинг технологик таркиби куйида келтирилган:

	жами	Давлат	Нодавлат
Жами, млрд. сўм	7361,4	407,3	6954,1
шу жумладан: умумий ҳажмга нисбатан фоиз хисобида			
қурилиш-монтаж ишлари	75,8	82,4	75,4
машина, ускуналар, транспорт воситалари ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлар	5,6	14,3	5,1
Бошқа ҳаражатлар	18,6	3,3	19,5

Асосий капиталга киритилган инвестициялар ва кредитларни иқтисодий фаолият турлари бўйича куйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмига нисбатан фоиз хисобида



Ижтимоий соҳа объектларини қуриш

Ноишлаб чиқариш соҳасига киритилган инвестициялар ҳажмидан 644,6 млрд.сўм ёки 71,3 фоизи уй-жой қурилишида ўзлаштирилган. 2017 йилнинг январь-сентябрь ойларида умумий майдони 596,2 минг кв.м. бўлган 4258 та уй-жой (ўсиш суръати ўтган йилга нисбатан 85,8 фоиз), шу жумладан қишлоқ жойларида 464,2 минг кв.м. (ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати 82,5 фоиз) уй-жой фойдаланишга топширилди.

Умумтаълим мактабларини қуриш ва қайта таъмирлашга 30,7 млрд.сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди, бу эса ноишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг 3,4 фоизини ва таълим соҳасига киритилган инвестицияларнинг 54,6 фоизини ташкил қилди.

Коммунал қурилиш соҳасида 18,0 км. узунликдаги ичимлик суви, 10,2 км. узунликдаги газ тармоқлари ишга туширилди, бу 2016 йил январь-сентябрга нисбатан мос равища 28,9 ва 64,6 фоизни ташкил қилди. Ишга туширилган умумий ичимлик сув тармоқларининг 14,8 км. ёки 24,7 фоизи ва газ тармоқларининг 9,5 км. ёки 60,1 фоизи қишлоқ жойларига тўғри келади.

Ичимлик суви тармоқлари қурилишига 3,6 млрд. сўм, аҳоли маблағлари ҳисобидан 0,3 млрд. сўм (10,0 фоизи), газ тармоқлари қурилишига 0,2 млрд. сўм, инвестициялар ўзлаштирилди, бу 100,0 фоиз аҳоли маблағлари ҳисобига тўғри келди.